

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**439 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 104-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2009 йил 23 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2009 йил 28 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) **104-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмнинг санкциясидаги** «учдан бир қисмидан бир бараваригача» ва «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар тегишинча «бир бараваридан уч бараваригача» ва «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмнинг санкциясидаги** «иккидан бир қисмидан икки бараваригача» деган сўзлар «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 7 октябрда эълон қилинган.

**учинчи қисмнинг санкциясидаги** «бир бараваридан уч бараварига-ча» ва «уч бараваридан етти бараварига-ча» деган сўзлар тегишинча «беш бараваридан етти бараварига-ча» ва «беш бараваридан ўн бараварига-ча» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 6 октябрь,  
ЎРҚ-227-сон